

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 12 июнь, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 111 (10.920) Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ: САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САММИТИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 9-10 ИЮНЬ КУНЛАРИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА БЎЛИБ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НОРАСМЙ МАЖЛИСИ ВА ИХ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

МДХнинг бу галги саммити икки жиҳати билан ажралиб туради. Аввало, унда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг барчасидан давлат раҳбарлари иштирок этди. Анча йиллардан бундан МДХ саммитлари бундай тўлиқ таркибда ўтмаган эди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Ҳамдўстлик ҳаёт синовларидан ўтмоқда ва унинг тараққиёт йўли ҳамма ҳам раван бўлмаганлиги ва бўлмашиги табиий.

МДХнинг Санкт-Петербург саммити сўнгги вақтларда пайдо бўлган ва тез-тез такрорланиб турадиган Ҳамдўстлик парокандаликка юз тутгани тўғрисидаги гап-сўзларга чек қўйди. Ун икки мамлакат президентларининг бир даврага йиғилгани улар орасида муайян ҳамфикрлик борлигини аңглатади. Тўғри, икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзига ҳос муаммолар, ечимини кутаётган масалалар бўлиши табиий. Зеро, ҳар бир мамлакат ўзи танлаган йўлдан боради. Бу – инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Лекин ҳеч бир мамлакат яққа ҳолда ривожлана олмаслигини, айниқса, қўшилари ва аънаввий ҳамкорликка таянишини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

МДХ миллий ва умумий манфаатларни бирлаштириш учун қулай механизмларданир. МДХ мамлакатлари ўзаро сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида яхши тажрибага эга эканлиги, тарихий муштараклик, халқларимизнинг бир-бирини яхши таниши ва эркин мулоқот қилиши катта имконият, бошқа халқаро тузилмаларга қиёслағанда, таъбир жоиз бўлса, ўзига ҳос афзаллиқдир. Бундан факат унумли фойдаланим керак.

Санкт-Петербург саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Утган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасига МДХни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш ва мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Ижроия қўмита раиси В.Рухайло шу хусусда президентларга ҳисобот берди. Концепцияни МДХнинг жорий йил октябрь ойида Душанбеда бўладиган саммитида кўриб чиқишга келишиб олинди.

Учрашувда ташкилий масала ҳам кўрилди. МДХ Ижроия қўмитаси раисининг ваколат мuddати туғанлиги муносабати билан бу лавозимга Россия Федерацияси вакили

А.Вешняков номзоди қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Бу галги МДХ саммитининг иккинчи ўзига ҳос жиҳати унинг XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форуми ўтатиётган кунларга тўғри келгани бўлди. Ушбу анжуманда, Россия Президенти таъбири билан айтганда, жаҳон ялли ички маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг 50 фоиздан зиёди қатнашди. Форум доирасида турли кўргазма ва конференциялар ташкил қилинди, кўплаб шериклик битимлари имзоланди. Бу тадбир МДХ мамлакатларига ўз иқтисодий салоҳиятини намоён этиш, сармола жалб қилиш, ҳамкорликнинг янги-янги йўналишларини юзага чиқариш, чет элли шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имконият яратди.

Президентлар анжуман доирасида ташкил қилинган "Инновацион муваффақиятлар" кўргазмасини кўздан кечирдилар, "Рақобатбардош Евроосиё – ишонч макони" мавзусида ўтган ялли мажлисда иштирок этдилар.

Йирик халқаро тузилмаларнинг саммитлари икки томонлама музокаралар ўтказиш учун ҳам яхши имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов Санкт-Петербург саммити доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётгани таъкидланди. Утган йили ўзаро товар айирбашлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиде бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро аллоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик қўламини йилдан-йилга кенгайтирмоқда.

Ўзаро товар айирбашлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг асосий қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз

элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоясини иштирокчида тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари – савдо, энергетика, сўғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг бошқа тармақлари.

Мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қўра ва рангли металлургия устувор тармақлардир. Шунингдек, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ.

Ислом Қаримов ва Владимир Путин икки томонлама муносабатларини ривожлантиришга доир ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедов билан ҳам учрашди.

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келди. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари бир неча бор ўтказилган. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янги асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Ислом Қаримов ва Гурбангули Бердимухаммедов Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг истиқболли, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

МДХнинг Санкт-Петербург саммити Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди. Айни пайтда у икки томонлама музокаралар ўтказиш учун яхши имконият яратгани билан ҳам аҳамиятлидир. Саммит доирасида ўтган кўп ва икки томонлама музокаралар МДХ ва аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент – Санкт – Петербург – Тошкент
(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Амударё тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган дўстлик форуми «Шу азиз Ватан барчамизники» деб номланди. Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда туманда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари, илғор хотин-қизлар иштирок этди.

●Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда партия ташкилотлари ҳамда депутатларининг иштирокини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси ҳайъатининг қарори қабул қилинди.

●Қорақалпоғистонлик пиллачилар ҳам давлатга «қумуш тола» сотиш шартномавий режасини ошириб адо этдилар. Воҳада 742,7 тонна юқори сифатли пилла етиштирилди. Бу хирмонга ҳар қути ипак уруғидан ўртача 50,1 килограммдан ҳосил тўқилди, демақдир.

●Нукусда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳада рақобат муҳитини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

●Ҳамюртимиз Гўзал Хуббиева Қозоғистонда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, «Пекин-2008» Олимпиадасига йўлланма олди. Бу ўзбекистонлик спортчиларнинг навбатдаги Олимпиадада қатнашиш учун олган учинчи йўлланмасидир.

●Чироқчи тумани марказида «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонаси ҳомийлигида бунёд этилган 3000 ўринли стадионнинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Айтиш керакки, шу кунга қадар таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногирон ва ёлғиз кексаларга 70 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, муҳтожларга чорва моллари тарқатилди.

●Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағфармаси Марказий Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

●Наманган вилояти Янгйўл тумани халқ таълими бўлими ва Наманган муҳандислик-иқтисодий институти ташаббуси билан мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

●Урганч шаҳар маданият ва санъат коллежиде жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида «Ҳар доим бўлсин қўш!» мавзусидаги ижодий фестивал ўтказилди. Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан уюштирилган мазкур фестивал, 9 та йўналиш бўйича ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

●Тожикистон пойтахти Душанбеда яшаётган афғон қочқоқларига ўзлари учун ажратилган алоҳида тумандаги жойга қўчишлари ва у ерда рўйхатдан ўтишлари учун 10 кун муҳлат берилди. Тожикистон ташки сиёсат маҳкамаси афғон қочқоқларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги, уларни Афғонистон ҳудудида чиқариб юбориш нияти йўқлигини уқтирди.

●Кеча АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Софийага ташрифидан сўн унинг Европога қилган саккиз кунлик сафари якунланди. Учрашувларда Болгария раҳбарияти билан Косовога мустақиллик бериш масаласи бўйича музокаралар олиб борилди. Шунингдек, Жорж Буш Болгария ҳукуматида АҚШ ҳарбийларининг Ироқ ва Афғонистондаги фаолиятини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

●Кеча Ливандаги қочқинлар лагери атрафиде жангарилар томонидан амалга оширилган отишмалар чоғида халқаро «Қўзил Ҳоч» ташкилотига тегишли бўлган машина ўққа тутилди. Натижада халқаро ташкилотнинг икки вакили ҳаётдан кўз юмди.

●Шимолий Ироқдаги аҳоли пунктлари Туркия армияси томонидан артиллериядан ўққа тутилгани боис Ироқ маъмурияти Туркияга норозилик билдирди. Хусусан, Туркиянинг Бағдоддаги элчиси Ироқ Ташки ишлар вазирлигига чакрилди ва отишмаларнинг тез-тез қилини билан тўхтатилиши талаб этилди.

●Утган кунни тунда Фаластин бош вазири Исмоил Ханья қароргоҳи жангарилар томонидан ўққа тутилди. Содир этилган террорчилик хуружи оқибатида ҳеч ким жабранмаган. Айтиш керакки, ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида кейинги кунларда Фазо секториде 4 киши ҳалок бўлди, 36 киши тан жароҳатларини олди.

●Австралия мамлакатини парламенти мобил телефонлари орқали руҳсатсиз суратга олиш ва видеотасвирга туширишни тақиқловчи қонун қабул қилди.

●Англиянинг Шеффилд шаҳрида Ҳиндистон фильмларини муқофотлаш маросими ўтказилди. Аънаввий тус олган ушбу маросимда 30 минг томошабин қатнашиб, муқофотлаш тантаналарини дунёнинг 110 мамлакатиде жами 500 миллион киши томоша қилди.

●АҚШ ҳукумати ўз фуқароларини Хитойда ишлаб чиқарилган тиш паастасини сотиб олмасликка даъват этди. Аниқланишича, унинг таркибиде хавфли кимёвий модда – диэтиленгликоль бор экан. Қўллаб-қувватлаш ушбу модда инсон саломатлиги учун ўта хавфли, деган фикрни билдиришти. Зеро, ўтган йили таркибиде мазкур модда бўлган дори-дармонларни Понамада истеъмол қилган 50 киши ҳаётдан кўз юмган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгилар, воқеалар

Қиска сатрларда
●**БУГУН** Миробод туман ҳокимлигида «Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» мавзусида туман фаоллари иштирокиде ўтказилган илмий-амалий анжуман Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳар вакиллари, Тошкент Ислам университети, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жағфармаси ҳамда Маънавият тарғибот марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорликлариде уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги 244-мактабда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида ёзги соғломлаштириш оромгоҳи фаолият бошлади.

●**ШАҲРИМИЗДА** Санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган Россия ва Ўзбекистон фоторассомлари кўргазмаси «Ўзбекистон – Россия: ҳамкорлик ришталари» деб номланди.

●**ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва енгил саноат институтида уч кун давом этган «Масофадан ўқитиш ва трансфер технологиялари» лойиҳаси доирасидаги семинар **КЕЧА** якунланди. Мазкур илм масканида Масофадан ўқитиш ва трансфер технологиялари бўлими ташкил этилди.

●**КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академияси битирувчи магистрантларига дипломлар топширилди.

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида уюштирилган олимпиада юғуриш кунни тадбирида 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган шахримиз фуқаролари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** Автомобиль ва йўллар институтида стол тенниси ва шахмат бўйича уюштирилган турнирда профессор-ўқитувчилар ўзаро беллашди.

●**ПОЙТАХТИМИЗ** маҳаллаларида, кўчаларида, хиёбонларда Бутунжаҳон атраф-муҳитини муҳофаза қилиш кунини муносабати билан экологик ҳашар уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ КЕНГ ИШТИРОКНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН САЛМОҚЛИ ИШЛАР ҚИЛИНДИ.

Ахборот соҳаларини жадал ва собитқадам ривожлантириш учун зарур қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий база яратилди. Ҳозирги замон талаблари ва демократик стандартларни инобатга олиб «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Муаллимлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафо-



лари тўғрисида»ги Фармонлари оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришда муҳим роль ўйнади.
(Давоми 2-бетда).

ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА, ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВҚЕИ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ МАВҚЕИ ДОИМИЙ РАВИШДА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА ВА БУНИНГ НАТИЖАСИДА УЛАР ҲАЭТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШИЖА КЕЛМОҚДА. БУНИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ ЙИРИК НОДАВЛАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИШБИЛАРОМ АЭЛЛАРИНИНГ «ТАДБИРКОР АЭЛ» УЮШМАСИ МИСОЛИДА ҲАМ АҲҚОЛ КЎРИШ МУМКИН. ЎЗА МУХБИРИ УЮШМА РАИСИ ДИЛДОРА АЛИМБЕКОВА БИЛАН УШБУ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА СЎХАТЛАШДИ.

— Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаётнинг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилмоқда, — дейди Д.Алимбаева. — Ёш авлод тарбияси ва уларнинг соғ-саломат ўсиб улгайиши ҳам айнан аёлларимизга боғлиқ. Шу сабабли Президентимиз Ислом Қаримов жамиятда хотин-қизлар ролини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ушбу жараёни ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан миллий қонунчиликка киритилган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий партиялар томонидан қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда ўз номзодларини кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота белгиланди. Бунинг натижасида бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчили-

палатаси депутатларининг 18 фоизи ва Сенати аъзоларининг 15 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа қўллаб-қувватлаш қараганда анча юқоридир. Шуниси қувонарлики, улар орасида уюшмаимизга аъзо хотин-қизлар ҳам бор. Мисол учун, уларнинг икки нафари сенатор, тўрт нафари Қонунчилик палатаси депутаты ҳисобланади, яна 20 нафари халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига сайланган.


—Хотин-қизлар орасида йирик корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётганлар ҳам кўпчилигини ташкил этади. Статистика маълумотларига кўра, айни пайтда уларнинг 75 фоизи асосан соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, илм-фан соҳаларида меҳнат қилмоқда. Айтингчи, иқтисодиёт тармоғида хотин-қизларнинг иштироки қандай?
(Давоми 2-бетда).

БОЛАЛАРНИНГ ҚУВНОҚ ВА ШОДОН КУЛГУЛАРИНИ ЭШИТГЕНИМИЗДА УЛАРНИНГ БАХТИЁР ВА ФАРОВОН ЭЛИНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДАЛАРИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ҲИС ЭТАМИЗ. УЛАР МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ, ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАРИДИР.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ўтказилган «Бола кўлса, олам қулади» деб номланган тadbир Республика санитария эпидемиология назорати маркази ташаббуси билан ўтказилиб, унда мазкур марказнинг ишчи-ходимларининг 200 нафарга яқин фарзандлари иштирок этишди. Тадбирда жажжи болажонлар ижросидаги куй-қўшиқлар, шўх рақслар, қувноқ викторина уйинлари, спорт мусобақалари уларга бир олам завқ бағишлади. Шунингдек, болалар турли хил ўйингоҳларда маза қилиб ўчиб, дилдан яйрадилар. Тадбир якунида Республика санитария эпидемиология назорати маркази касаба уюشمаси томонидан кичкинтойларга совғалар топширилди.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

БОЛА КЎЛСА, ОЛАМ ҚУЛАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

—Хотин-қизларнинг иқтисодийнинг хусусий сектори ва хизмат кўрсатиш тармоғида бандлик даражаси мунтазам ортиб бормоқда, саноат, алоқа соҳасида эса бу кўрсаткич бироз паст. Шундай эса-да, аёлларимизнинг тadbиркорлик, максатда интилувчанлик, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга интилиш, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш каби ишчанлик фазилатлари бу соҳаларда ҳам асқотиши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, хотин-қизлар ижтимоий мавқеининг ўсиши уларнинг иқтисодий мустақиллиги ортиб бораётгани билан бевосита bogʻлиқдир. Президент Исро Каримовнинг фармони билан бажариш доирасида мамлакатимизда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳисобидан уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Уюшмаси 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, мустақиллигимиз билан тенгдош. Бу узи га хос раамий маънога эга. Чунки айнан мустақиллик Ўзбекистон хотин-қизларига ўз салоҳияти ва истеъдодини намойиш этиш учун катта имкониятлар очиб берди, уларнинг шахс сифатида шаклланишига мустақилликнинг иқтисодий тармоғида бандлик даражаси мунтазам ортиб бормоқда, саноат, алоқа соҳасида эса бу кўрсаткич бироз паст. Шундай эса-да, аёлларимизнинг тadbиркорлик, максатда интилувчанлик, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга интилиш, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш каби ишчанлик фазилатлари бу соҳаларда ҳам асқотиши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, хотин-қизлар ижтимоий мавқеининг ўсиши уларнинг иқтисодий мустақиллиги ортиб бораётгани билан бевосита bogʻлиқдир. Президент Исро Каримовнинг фармони билан бажариш доирасида мамлакатимизда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳисобидан уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Уюшмаси 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, мустақиллигимиз билан тенгдош. Бу узи га хос раамий маънога эга. Чунки айнан мустақиллик Ўзбекистон хотин-қизларига ўз салоҳияти ва истеъдодини намойиш этиш учун катта имкониятлар очиб берди, уларнинг шахс сифатида шаклланишига му-

стонда омонат кредит уюшмаларининг ривожланишидир. Бугун Анджинон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида тўқикта ана шундай уюшма ташкил этилган бўлиб, уларнинг 7 миң нафардан ортиқ аъзоси бор. Кредит уюшмалари маблаглари асосан фермер ва деҳқон қўжалиқларини, турли хунармандчилик турларини ривожлантириш, бунинг учун зарур ускуналарни сотиб олишга йўналтирилмоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини юксалтиришга кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш борасида ҳам муайян тажриба тулланди. Ушбу лойиҳанинг мақсади маблаҳатлар бериш ва «бизнес-мураббийлик»ни ташкил этиш орқали хотин-қизларга тadbиркорлик ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланишда бошқалар билан тенг имкониятлар яратишдир.

«Турмуш даражасини оширишнинг инновация услублари» деб номланган лойиҳа қишлоқ туманларидаги тadbиркор хотин-қизларга ўз ишини кенгайтириш учун зарур бўлган ускуналар, минигтермонлар, минитракторлар, новвойхоналар, замонавий технологияларни лизинг бўйича олишга кўмаклашиди. Шу билан бирга, маҳаллий ҳамжамия-

ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА, ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВҚЕИ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

стаҳкам замин яратди. «Тadbиркор аёл» уюшмаси фаолияти ҳам мамлакатимиз иқтисодийётида бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун кулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бугунги кунда уюшмага 5 миң нафардан ортиқ тadbиркор аёл аъзо. Улар ўз фаолияти ҳуқуқий маслаҳатлар бермоқда. Ҳар бир марказда Ўзбекистон қонунчилиги бўйича кенг қўламли ахборот, шу жумладан уларнинг электрон вариант жамланган кутубхоналар мавжуд. Вилотлардаги бўлимларимиз уюшманинг умумий лойиҳаларида иштирок этишдан ташқари ўз лойиҳаларини ҳам амалга ошираётми. Масалан, Бухоро вилояти Ишбилармон аёллар уюшмасининг «Фермер ва деҳқонларни ўқитиш» лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Осие тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланган ушбу лойиҳада қўзланган асосий мақсад — қишлоқ хотин-қизларининг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишдан иборат.

ятлар мустақиллигини оширишга доир лойиҳа ҳам ўз самарасини берди. Уларнинг маҳаллий миқёсдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторингини ўтказиш борасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш учун Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, фўқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича экспертлардан иборат мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилди. Маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди, жойларда тажриба лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун мураббийлар тайёрланди. Уларнинг олдида турган энг асосий вазифа — ҳамжамиятни муаммоларини мустақил ҳал қилишга ўргатишдир. Бу борада ҳам дастлабки муваффақиятларга эришилди. Масалан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги қатор маҳаллаларда уюшмамиз ҳамда донорлик ташкилотлари ёрдамида ишлаб чиқариш цехлари очилди, болалар майдончалари барпо этилди ва бошқа ишлар амалга оширилди. Ушбу тажрибани кенг ёйиш мақсадида маҳаллалар етакчилари учун қўлланмалар чоп этилди, Интернетда веб-саҳифа очилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини қўллаб-қувватлаш, уларга бизнесда, микрокредитлаш, илгор технологияларни ўзлаштириш, янги касбларга ўргатиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ёрдам беришга қаратилган қатор лойиҳаларимиз бор. Мисол учун, яқинда Фарғона водийси хотин-қизларини тadbиркорлик кўникмаларига ўқитиш лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси грантининг қўлга киритди. Лойиҳани амалга ошириш доирасида учта вилотнинг ҳар бири туманидан мураббийлар тайёрланди. Улар, ўз навбатида, 500 нафар хотин-қизга бизнес юритиш кўникмаларини ўргатди.

— Маълумки, сиз раҳбарлик қилаётган уюшманинг хотин-қизлар орасида тadbиркорликни ривожлантиришга самарали кўмаклашиш бўйича туллган тажрибасига ҳўррақда ҳам қизиқиш катта...

— Вакилларимиз ушбу мавзу бўйича қўллаб-қувватлаш конференцияларда иштирок этди, уларнинг ушбу тadbиркордаги маърузалари кўчликда катта қизиқиш уйғотди. Бу табиий, албатта. Негаки, бугун Ўзбекистон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқаришга имкон қадар кулай шарт-шароит яратиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларининг муваффақиятли ҳамкорлик қилиши борасида қўллаб-қувватлаш учун намуна бўла олади. Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳозирги кунда Бунтжаҳон «Business professional women» ташкилотини, МДХ Хотин-қизлар нодавлат ташкилотларини асослаб яъноси, Халқро меҳнат ташкилотининг ҳамкори ҳисобланади. Қатор мамлакатлар савдо-саноат палаталари, тadbиркорлик уюшмалари билан алоқаларини кенгайтириш ушбу давлатлар ишбилармон доиралари вакиллари билан тўридан-тўри шериклик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Бизнесни тажрибамиздан қатор қўшни давлатларда ишбилармон аёллар уюшмасини ташкил этишда фойдаланилди. «Тadbиркор аёл» уюшмаси БМТнинг Хотин-қизлар манфаати йўлидаги тараққиёт жамғармасининг (ЮНИФЕМ) маҳус мукофоти, «Касба ўқитиш ва микрокредитлаш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини оширишга кўмаклашиш» номинацияси бўйича мазкур ташкилотнинг сертификат ҳамда мукофотларига сазовор бўлди.

Яна бир бор шунинг таъкидлашни истардимки, уюшмамиз давлатимиз томонидан кўрсатилган катта ёрдам, Юртбошимизнинг доимий эътибори туфайли ўз фаолиятида хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, ижтимоий аҳамияти молик қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, мамлакатимизда кенг қўламли туб ўзгаришларни амалга ошириш борасида муваффақиятларга эришмоқда.

ЎА мухбири А.ИВАНОВА сўхбатлашди

ШАРЖА МАРКАЗИЙ, ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ЎТГАН ЙИЛНИНГ ОХИРИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ АЛ-АЙН ШАҲРИДА АРАБ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «АЛ-БАЯН» МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАСИНING АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ РАҲБАРИ, ШАРЖА ШАҲРИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ ХОДИМИ УМАР АЛ-САНЖАРИЙ БОШЧИЛИГИДАГИ ИЖОДИЙ ГУРУҲ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ҚАЙТГАН ЭДИ.

Араб журналистлари юртимизнинг қатор шаҳарларида кечган ижодий сафарининг натижаси ўларок, махсус телефильм дунё юзини кўрди. У яқинда Шаржа марказий телеканали орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур телеканал дастурлари сунъий йўлдош орқали барча араб мамлакатларига кечая кундуз узлуksиз узатилади. Уч қисмдан иборат бўлган ушбу фильмда республикамизнинг тарихи, кўна шаҳарлари ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Минтақа маркази ҳисобланган Ўзбекистон араб дунёсига Моварауннаҳр номи билан машҳур бўлганини таъкидлашар экан, муаллифлар мамлакатимиз ҳудудида жойлашган шаҳарлар Буюк Ипак йўлида муҳим ўрин тутганига алоҳида эътибор қаратишган. Араб журналистлари Ўзбекистон заминини инсоният тараққиётига, ислом дини, санъат ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган қўллаб-қувватлаш олимларга, давлат ва дин арбоблари, файласуф, ёзувчи ва шоирларга бешик бўлган ватандир, деб таърифлашади.

Фильмда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Хива, Самарқанд, Бухоро ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади. Шунингдек, ундан Амир Темур, Имом ал-Бухорий сингари буюк бобоқалонларимиз ҳамда Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг айрим қаҳрамонлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Муаллифлар Тошкент шаҳрининг тарихи ва замонавий ҳаётини тасвирлашар экан, томошабинлар эътиборини Тошкент Исро университетини фаолиятига ҳамда унинг ҳудудида жойлашган но-дир тарихий иншоотга қаратади. Тошкент Исро университетига араб тилини ўргатишга катта эътибор берилётгани фильмда алоҳида таъкидлангани баробарида мамлакат раҳбариятининг ушбу олий таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилаётган чора-тадбирларини араб журналистлари юксак баҳолашган. Шунингдек, фильмда юртимизда сақланаётган халифа Усмон Куръони ҳақида ҳам атрофлича ҳикоя қилинган.

«Жаҳон» АА Дубай

АШХОБОДА ЎЗБЕК ТАСВИРИЙ САНЪАТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

ТУРКМАНИСТОН ПОЙТАХТИДА «ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАГИ САНЪАТИ» НОМЛИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ҲТДИ.

Мамлакатимиз мўйқалам усталарининг ижод намуналарини Туркманистон маданият ва телерадиоэшиштиришлар вазирлигининг кўргазмалар залида намойиш этилди.

Кўргазмининг очилишига бағишланган танта-нали маросимда Туркманистоннинг вазирлик ва идоралари, Ашхобода аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, илм-фан ва маданият намоёндалари иштирок этдилар.

Кўргазмада ўзбекистонлик рассомларнинг юртимиз бой тарихи ва бугунги кунини, халқимизнинг урф-одат ва аънавалари, мамлакатимиз табиатининг бетакрор гўзаллиги акс эттирилган асарлари намойиш этилди. Ж. Умарбеков, Б.Жалолов сингари таниқли мўйқалам усталарининг асарлари билан бирга ёш ўзбек рассомларининг ижод намуналари ҳам ушбу кўргазмадан жой олди.

Таъкидлаш керакки, ушбу кўргазма маҳаллий санъат ихлосмандларига катта қизиқиш уйғотгани холда Туркманистон пойтахти маданий ҳаётининг эса қоларли воқеалардан бири бўлди.

Тadbирда иштирок этган Ўзбекистон Бадий академияси котиби, академик Владимир Бурмакин ҳамда Бадий академия аъзоси Ортикали Қозоқовнинг фикр билдиришича, ўзбек рассомлари ўз асарлари орқали мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари давомида қўлга киритган ютуқ-муваффақиятларини, ҳаётнинг турли жаҳаларидаги ўзгаришларни, шунингдек, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатларини тараннум этишга интиланган.

Таъкидланганидек, ушбу кўргазма Туркманистоннинг санъат ихлосмандларига ўзбек рассомларининг турли авлодлари ҳақидаги тасавурларини бойитишга имкон бериши баробарида икки мамлакат рассомларининг ўзаро ижодий мулоқотини ривожлантиришга кўмаклашади. Ўзбек рассомларининг Ашхободаги ушбу кўргазмаси Туркманистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Тadbирнинг очилиш маросими ҳақида тайёрланган репортаж маҳаллий телевидениенинг давлат каналлари орқали намойиш этилди.

«Жаҳон» АА Ашхобод

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатнинг ахборот соҳасидаги сиеъсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ҳамда фўқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқлари бажарилишини ҳар тарафлама ва тўла-тўхис таъминлашга қаратилган.

Ахборот соҳасида нодавлат институтлар ҳамда тузилмалар шаклланиши ва ривож топиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техникавий шароитлар ҳам яратилган. Улар жумласига Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситаларини миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, шунингдек, бир қанча жамоат бирлашмаларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда 663 газета, 195 журнал, 19 бюллетень чиқарилмоқда, 53 телеканал, шу жумладан 29 та нодавлат телеканалли, 35 радиоканал, шу жумладан 16 та нодавлат радиоканали, 79 та кабель студияси, 50 дан ортиқ нарийёт ишлаб турибди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли минтақалари аҳолиси 90 дан ортиқ хорижий теле ва радиоканаллар дастурларини кўриш ҳамда тинглаш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида «Оммавий ахборот воситаларининг янгиликларини тезкорлик билан ёритишдаги вазифалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган конференцияда оммавий ахборот воситаларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Исро Каримов томонидан белгилаб берилган вазифаларини, хусусан, "...ахборот эркинлигини таъминлаш ҳамда, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга му-

носабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чўқурлаштириш ва аҳолининг сиеъсий фаолигини ошириш, фўқароларнинг мамлакат сиеъсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди», деган вазифани амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Тadbир иштирокчилари оммавий ахборот воситалари давр кўзгуси эканлигига, бинобарин, улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёналаридан четда тура олмастлигига алоҳида ургу бердилар. Мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан юрдошларимизни вақтида, ҳолисона хабардор этиш, ижтимоий фикрнинг шакллантириш, демократик ва умумбашарий кадриятларни одамларнинг онги ва шуурига синдириш ҳудди шу боис оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифалари деб қаралмоқда.

Анжуманда кенг қўлама фикр алмашинилди, мамлакатимизда ва унинг сарҳадларидан ташқарида содир бўлаётган воқеаларни ўз вақтида, ҳолислик билан ёритиш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг демократияни чўқурлаштириш ва омманинг сиеъсий фаолигини оширишдаги ролини кучайтириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг меҳнатини рағбатлантириш, профессионализмни эса янги босқичга кўтариш масалалари юзасидан қатор тавсиялар билдирилди.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ПОЛЬШАДАГИ ПЛОЦК ШАҲАР МУЗЕЙИДА САМАРҚАНДНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН «БОҚИЙ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЛЕОН БАРИЩЕВСКИЙ НИГОҲИДА» ФОТОКЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ТАДБИР МАШҲУР ПОЛЯК САЙЁҲИ ВА ТАРИХЧИСИНИНГ НЕВАРАСИ — СУРАТКАШ И. СТРОЦЕЙКИНИНГ ШАХСИЙ КОЛЛЕКЦИЯСИ АСОСИДА ПЛОЦК ШАҲРИ МАЪМУРИЯТИНИНГ КЎМАГИ ОСТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон шаҳарларининг бетакрор кўринишлари, унинг диққатга сазовор жойлари ва тарихий меъморчилик ёдгорликлари, шу заминда яшаётган халқнинг аънавалари ва турмуш тарзи акс этган ранг-баранг суратлар ПЛОЦК шаҳри жамоатчилигида, дипломатия корпуси, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кўргазмининг кўп сонли меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги гуманитар алоқалар узок тарихий ришталарга эга эканини таъкидлашди. Ўзбекистон жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати ривожига бебаҳо ҳисса қўшган кўпгина давлат ва дин арбобларини, олимлар, шоир ва файласуфларни тарбиялаб берган табаррук замин эканлиги қайд этилди.

«Жаҳон» АА Варшава

«ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР»

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси; Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигини кенг нишонлаш, мамлакатимиз истиқлолини тараннум этадиган янги кўшиқ ва мусиқий асарлар яратишни рағбатлантириш мақсадида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусида энг яхши кўшиқ ва мусиқий асарлар Республика танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ УЧ БОСҚИЧДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ: I босқич 2007 йил 20 июндан 5 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади; II босқич 6 июндан 20 июлгача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади; III босқич 25-31 июль кунлари Тошкент шаҳрида Республика миқёсида ўтказилади.

Танловда ёши, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон фўқароси бўлган профессионал, ҳаваскор ижрочилар катнашиш ҳуқуқига эга. Республика танлови фолиблари уч йўналиш (матн, мусика, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади. Биринчи ўрин учун (учта, ҳар бир голибга 1 миллион сўмдан)—3 000 000 Иккинчи ўрин учун (учта, ҳар бир голибга 800 миң сўмдан)—2 400 000 Учинчи ўрин учун (учта, ҳар бир голибга 600 миң сўмдан)—1 800 000 Рағбатлантирувчи мукофотлар (ийгирма битта 400 миң сўмдан)—8 400 000 Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона—маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси. Тел: 139-43-73; 139-43-50.

Самарали лойиҳалардан яна бири — бу Ўзбеки-



ХАР САФАР СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНАЁТГАН ЁШЛАРНИ КЎРГАНИМДА, ЮРТБОШИМИЗНИНГ БИЗ УЧУН ШИОРГА АЙЛАНГАН «ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ - ҚУДРАТЛИ БЎЛУР» ДЕГАН ПУРМАЪНО СЎЗЛАРИ ҚУЛОГИМ ОСТИДА ЖАРАНГЛАЙВЕРАДИ. АЙНИ КУНЛАРДА БОШЛАНИШ АРАФАСИДАГИ «УНИВЕРСИАДА — 2007» МУСОБАҚАЛАРИ БУ БОРАДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

«Универсиада — 2007» олдидан

БАРКАМОЛЛИК САРИ

Шу билан бирга ушбу ёшлар спорт ўйинлари оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилишини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бисёр. Жумладан, бу ишларга Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги халқроқ журналчилик факультети талабалари ҳам

жалб қилинган. Мен «Ёшлик» талабалар шахарчаси худудини кезар эканман, бу ердаги кўзни қувонтирадиган ажойиб ўзгаришларни кўриб, қувондим. Хали мусобақалар бошланмасда, аммо ҳамма ёқда байрам шукухи, фойз ифори уфуриб турибди. Нафакат талабалар турар жойлари ва шу худуддаги спорт мажмуалари, балки пойтахтдаги кўплаб олий таълим муассасалари

ларини қамраб олган шу каби ўзгаришлар ва янгиликлар яқинлашиб келаётган катта спорт байрамнинг худди биз хоҳлагандек, жуда юкори кайфиятда бўлиб ўтишини кўрсатиб турибди, десак муболага бўлмайди.

Янги-янги ёш истеъдодли спортчиларни кашф этадиган ва бу соҳада уларга кенг йўл очиб берадиган «Универсиада — 2007» мусобақаларининг ёшларни баркамоллик сари қорлайдиган юксак куч бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Озода ЯХШИБОВЕВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИҚМАТЛАР

Эл учун адлу адолат бўлса, бас, Ундан ўзга посбонинг шарт эмас.

Эй мусулмон, сенки истарсен адаб, Сабр қил, гар берса озор беадаб.

Ўзгаларга манзур ўлмоқ — зийнати.

Ногаҳон қолсанг ўзинг бирлан пича, Фамларинг кўмгай сени бўзсинггача.

Сенки одамзодасен, гавҳарча бўл, Жумла зурёдингни ўз жисмингда кўр.

Кўқда порлайди кўёшким ярқираб, Бир ҳовуч балчик-ла бўлгайму суваб?

Гарчи нодонлар кўёшга қум сочар, Лек кўёш тўзонда қолмас, юз очар.

Хас-хашак дарёни босгайму сира? Чанг-ғубор офтобни тўсгайму сира?

Улки, оҳ чекса чумоли, тинглагай, Ўзгалар оху фиғонин англагай.

Улки, тинглар жумла эл овозини, Англагай кўҳна фалакнинг розини.

Гарчи шул қилки қалам беҳис эрур, Йўқ ажаб, котибга ул мунис эрур.

Ҳар кишига иш қуроли хуб эмиш, Гарчи жонсиздир, баса маҳбуб эмиш.

Баски, гавҳар бўлди денгиздин нисор, Хас-хашак, кўлик бўлур наздингда хор.

Зоҳиринг гарчи қоронгудир, башар, Ботининг ичра гулистонинг яшар.

Бўлмаса эрди ганимлик даҳр аро, Қаҳру кин эл ичра бўлгайди адо.

Майлига, кул телба кўнглинг майлича, Шул ёруғ дунёда тургайсен неча?

Гарчи шоҳсен, айрудур лек омадинг, Бир куни кетса, эгилгай қоматинг.

Даҳр аро хирсинг ёниқ оташ эрур, Ўтга тушганда кўмир ҳам хуш эрур.

Болақай ҳам ҳис-ҳавас бирлан тўлиб, Ўйнагай ҳар дам хивични от қилиб.

Лек ҳавас битганда тарк айлар ўйин, Ўзгаларнинг ҳолига қулгай кейин.

Даштда эрмас, излагил дарёда сув.

Молу мулк не, шеър азиздир баридин, Чун олингайдир у денгиз қаъридин.

Одаминг аввал ҳариси нон эрур, Нон суянчикдир танинга, қон эрур.

Айлагай юз касбу ғасбу юз ҳиял, Нонга етгунча неча хирсу амал.

Нонга етгач, бошқаси даркор бўлур.

Ўлди муҳсин, қолди лек эҳсон ҳама, Ул саҳоватларга эл ҳайрон ҳама.

Ўлди золилар, зулмлар қолдилар, Ўзни оташларга андоқ солдилар.

Чун отилган тошга дуч келди кўнгли, Ойнавон уй эрди, чил-чил синди ул.

Жон-шоҳ эрса, ақл—вазир ҳисоб, Ақли фосид жонни этгайдир хароб.

Касбу санъат айламоқликдир қийин, Касб аро устози комил кўрмайин

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ГИЛАМДА—БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

ШАҲРИМИЗДАГИ АҲМАД ЮГНАКИЙ НОМЛИ СПОРТ МАЖМУАСИДА 5-7-СИНФЛАРДА ЎҚИЁТГАН БОЛАЛАР ҲАМДА 8-9-СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎСМИР-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА КУРАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ МУСОБАҚАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИХ Мирзо Улугбек туман бўлими, Республика сумо федерацияси, «Ёшлар» спорт маркази ташаббуси билан ўтказилган турнирда «Динамо», ТТЗ клубларининг ёш тарбияланувчилари ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Шунингдек, турнирнинг кўнгилдагидек ўтишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Гавриил Ким, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Марина Михеева, Владимир Аристарховлар катта ҳисса қўшишди.

Турнирнинг очилиш маросимида 83,113-мактабга таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ушу, акробатика, бадий гимнастика бўйича чиқишлари билан йиғилганлар кўнгиллари хушнуд этишди.

Болалар кураш турнирининг барча ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари топшириди. (Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: мусобақадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Ёз — ўтади соз

ОРОМҒОҲЛАРДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ОНАЛРИНИ МАЗМУНИ, МАРОҚЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРИНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги Қарорига мувофиқ ўқувчиларни ёзги таътил кўнгилида соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини намунали тарзда ташкил этиш юзасидан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Куни кеча «Тошкент» марказий темир йўл вокзалида Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатқашларининг ёзги дам олиш масканларига отланган 200 нафар фарзандларини қутиб олиш маросими ўтказилди. Унда мутасадди ташкилот вакиллари, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг масъул ходимлари иштирок этишди. Махсус режага мувофиқ эндиликда улар пойтахтимиздаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида хордиқ чиқаришда.

Айтиш мумкинки, бу йил соҳага доир ишлар самарадорлиги ҳар йилгидан кўра кўпроқ кўзга ташланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида болаларнинг ёзги дам олишига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг қўшма қарори қабул қилин-

ди. Мазкур қарор асосида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича шаҳар комиссияси тарихи тадқиқлашиб, вазифалар белгилаб олинди. Кўзда тутилган ишларнинг самараси ўлароқ ўз тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлган пойтахт қороналари ҳўжалик раҳбарларининг қасаба уюшма кўмиталари билан биргаликдаги чора-тадбирлар режаси амалда жорий этилган. Шу жумладан оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда Тошкент Давлат техника университети, «Алгоритм», «Технолог» очик акциядорлик жамиятлари, «Тошшаҳртрансизм» давлат уюшмаси, «Қизилтепагеология» давлат геологик қоронаси, «Сувсоз» давлат унитар қоронаси, В.Чкалов номидаги «Тошкент авиация» ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, Ирригация бўйича конструкторлик бюроси ва «Тошкентгазурилик» жамиятининг қурилиш ижодия шўъба қоронаси мазкур масалага жиддий ёндашиб, баракали ишларни амалга оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2007 йил ёзги соғломлаштириш мавсумида Тошкент шаҳар қороналари, ташкилотлари тасарруфида ва мактаблар қошидаги 36 та кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 45.000 дан зиёд болалар, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнатқашларининг 2000 нафар фарзандларининг соғломлаштирилиши кўзда тутилган. Хидирали ПАНЖИЕВ

«МОСКВА» КАМЕР БАЛЕТ ГРУҲУНИНГ «ХЎЖА НАСРИДДИН» САҲНА АСАРИ ПРЕМЬЕРАСИ МОСКВА ОПЕРА ТРАТРИДА МУВАФАҚИЯТ БИЛАН НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг донишманд, кўноқ ва оққўнғил қаҳрамони — Хўжа

ХЎЖА НАСРИДДИН МОСКВА САҲНАСИДА

Насриддин номи асрлар давомида авлоддан авлодларга ўтиб келади. Табиийки, ўзбек фольклорининг бу ёрқин ва жозибали қаҳрамони ҳаммиса санъат кишиларини ўзига жалб этган.

Маълумки, Хўжа Насриддин тасмол адабиётда, драматургия ва кинематографияда ўз аксини толган. Мана энди навбат балет санъатига келди. Янги спектакль ижодкорлари уни эртак сюжетли, мусикали балет, деб номлашди.

...Ҳаммаси москвалик бастакор Павел Турсунов ёзган мусикадан бошланди. Бу мусика Россиянинг етакчи режиссёрларидан бири Константин Кримецга жуда ёқиб қолди ва у мусикани ўз оркестри билан ёзиб олди. Сўнгра у бастакорни «Москва» камер балети бадий раҳбари Николай Басин хузурига етаклади.

— Балет қурилишига эътибор қаратар эканман, мени мусика беихтиёр ўзига жалб этди, — деб хотирлайди Николай Анатольевич. — Уни тинглаб, жуда роҳатландим. «Хўжа

Насриддин» — бизнинг жамоамиз учун тасодифий саҳна асари эмас. Биз Шарқ мавзусига эътибор қаратдик ва жаҳон маданиятидаги энг инсонпарвар, кўноқ ва истарали қаҳрамонни танладик. Чунки эзгулик ва нафосат дунёни кутқаришига ишонамиз.

Спектаклни сахналаштириш учун Петербургдан таниқли балет устаси Эдвальд Смирнов таклиф этилди. Унинг фирмага кўра, бош қаҳрамон бутун спектакль даво-

мида ўзида ёрқин шахсни гавдалантиради. Балетмейстер унда турли жанрларни — балет, цирк, гимнастикани уйғунлаштиришга интилди. Премьерда буларнинг барчаси ўзининг аниқ ва чиройли тарздаги ифодасини топти. Шу боис у томошабинлар томонидан илқ қабул қилинди.

Спектаклга «Москва» балетининг мумтоз ва замонавий труппалари артистлари жалб этилди. Елизавета Небесная, Денис Акинфеев, Сергей Сатаров, Андрей Холин ва бошқа яққоҳон ижрочилар ўз чиқишларини кўтаринки рўҳда, завқ-шавқ ва моҳирлик билан ижро этишди. Хўжа Насриддин бош партиясини япониялик раққос Морихиро Ивага ижро этгани инобатга олинган бўлса балетни томошабинларга дўстлар ва ҳамфирқларнинг халқроқ жамоаси ҳаёда этгани аён бўлади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА мухбири Москва

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 17 июль куни соат 11.00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларини ўтказди. Очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2007 йил 26 февралдаги 910/2-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Марамипова кўчаси, 2-уй манзилдаги Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани суди ҳовлисида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.йўқ бўлган «Матиз-Бест» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-9 914 920 сўм.
Хамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 мартдаги 10-0716/3181-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Хамза тумани, Мусаханов (Хамза) кўчаси, 2-уй манзилдаги «Тошқилоқмаш» ОАЖда сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.йўқ бўлган «ТТЗ-100к11» русумли трактор (двиг.№21290941, шасси №002429). Бошланғич баҳоси-2 200 200 сўм.
Хамза туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 мартдаги 10-0716/3181-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Хамза тумани, Мусаханов (Хамза) кўчаси, 2-уй манзилдаги «Тошқилоқмаш» ОАЖда сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.йўқ бўлган «МТЗ-80» русумли трактор (двиг.№814102, завод №066055). Бошланғич баҳоси-3 000 000 сўм.
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2006 йил 22 декабрдаги 830/2-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, ТТЗ даҳаси, Корий кўчаси, 4-уй манзилда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.30N3410 бўлган «БМВ-740IA» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-12 000 000 сўм.
Учтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 1 апрелдаги 1886-87/3-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 14-даҳа, Турсуқулов кўчаси, 514-уй манзилда жойлашган Тошкент шаҳар Учтепа тумани Халқ таълим бўлими худудиди сақланаётган ва Учтепа тумани Халқ таълим бўлимига тегишли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган дав.рақ.10BC920 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-6 300 000 сўм.
Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориди зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибандкаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.2020800804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел.138-69-94. Лицензия DB001 №000010.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Тошчирилган вақти: 12.41

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506